



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (12.666)

Баҳоси эркин нарҳда

2014 йил 29 МАЙ, ПАЙШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ:

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифи биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 28 май куни бўлиб ўтди. Қўсарой қароргоҳида Латвия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислон Каримов ва Андрис Берзиньш шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Латвиянинг давлат маҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Президентлар тор доирадаги суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислон Каримов Ўзбекистон билан Латвияни кўп йиллик ҳамкорлик ва мустаҳкам дўстлик ришта-лари боғлаб туришини, ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчиллигининг яна бир ифодаси эканини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мустақиллик йилларида шаклланган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ижобий тажрибасига таянади. Латвия делегациясининг ушбу ташрифи ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқликка асосланган шериклик муносабатларимиз ривожидида муҳим воқеа, олий даражадаги доимий сиёсий мулоқотларнинг ман-тикий давомидир, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Андрис Берзиньш Латвия Ўзбекистонга улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат, вақт сино-видан ўтган ишончли ҳамкор сифатида қарашини қайд этди.

— Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар кенг қўламли ва мустаҳкам. Президент Ислон Каримовнинг бу борадаги ҳизматлари, ўзаро ҳамкорлигимиз ва халқаро ҳаётда рўй бераётган жараёнларга оид қарашларини юксак қадрлаймиз, — деди Латвия Президенти.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муноса-батлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. 1992 йил-да Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорлик-нинг деярли барча соҳаларига оид қирқдан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвияга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳа-тидан янги босқичга кўтарди. Мазкур ташриф чо-ғида солиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо ало-қаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Парламентлараро ҳамкорлик қонун ижодкор-лиги борасида яхши самара бермоқда. 2010 йил-да Латвия Сеймида таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ҳамда 2012 йилда Ўзбекистон пар-ламентида ташкил қилинган Латвия Сейми би-лан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ўзаро тажриба ал-машишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Икки мамлакат ички ишлар ва ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида конструктив маслаҳатла-шувлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тар-кибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сан-домойив ва маданий ҳамкорликни янада ривож-лантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги масофа анча узоклигига қарамай, кўплай соҳаларда яқин ҳам-корлик йўлга қўйилган. Иқтисодиёт, савдо ва са-ноат соҳаларида энг кўп қўлайлик яратиш тизи-ми жорий этилган. Инвестицияларни рағбатлан-тириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олишга оид қилишувлар амал қилмоқда.

Латвия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Ўзбекис-тон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мева-сабзавотлар, қайта ишланган нефть маҳсулотла-ри, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа товарлар экспорт қилади. Латвия мамлакатимиз-га ускуналар, транспорт воситалари, денгиз ма-ҳсулотлари, пластмасса етказиб беради, логисти-ка хизмати кўрсатади. 2013 йил якунларига қўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қариб 250 мил-лион АҚШ долларини ташкил этган.

Жорий йилнинг апрель ойида Рига шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи очилди. Савдо уйига мам-лакатимизда ишлаб чиқарилаётган энгил sanoat

ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қуритилган мева-лар етказиб берилмоқда. Ўтган қисқа вақт мо-байнида мазкур савдо уйи орқали қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд шартномалар ту-зилган.

Юқори даражадаги учрашув ва мулоқотлар, биз-нес-форумлар муносабатларни янада ривожлан-тиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йил-нинг 16-17 апрель кунлари Латвия пойтахтида ўтказилган Иқтисодий, sanoat ва илмий-техника-вий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форуми савдо-иқтисодий алоқа-лар мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзаро инвестициявий ҳамкорлик жадал ривож-ланмоқда. Ўтган йилнинг кузида мамлакатлари-миз ҳамкорлигида 343 қўшма қорхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 392 тага етган.

Транспорт соҳаси Ўзбекистон ва Латвия ҳам-корлигининг устувор йўналишларидан. Икки мамлакат Евроосиё транзит йўлагининг муҳим қисмларини ташкил этади. Ўзбекистоннинг ташқи савдо юклари Европа давлатларига Латвия портлари орқали етказиб берилмоқда. 2013 йил-да темир йўл юклари ташиш ҳажми 146 минг тоннадан ошган. Мамлакатларимиз минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида амал-даги транспорт йўлакларини рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳияти-дан янада кенгроқ фойдаланишга алоҳида аҳами-ят қаратмоқда.

Миллий авиакомпаниялар ўртасидаги алоқалар икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ўн йил олдин йўлга қўйил-ган Тошкент — Рига — Нью-Йорк ҳамда Нью-Йорк — Рига — Тошкент авиақатнови мамлакатлари-мизни боғлаб турибди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини билдир-дилар. Ислон Каримов Латвия Республикасига 2015 йилнинг биринчи ярмида Европа Иттифоқи-га раислик қилишда муваффақият тилаб, Марка-зий Осиё мавзуси Латвия раислигининг устувор йўналишлари қаторига киритилганини юқори ба-ҳолади.

Музокаралар чоғида терроризм, экстремизм, наркотрафик каби таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишга оид масалаларга алоҳи-да эътибор қаратилди. Бу соҳада 2002 йилда имзоланган Уюшган жиноятчилик, терроризм, нар-котик воситалар, психотроп моддалар ва пре-курсорларнинг ноқонуний айланишига қарши ку-рашишда ҳамкорликка оид битимга мувофиқ ту-зилган Ўзбекистон — Латвия қўшма комиссияси муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Президентлар минтақада барқарорлик ва хавфсизлик таъминлашидан, Афғонистондаги вазият халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши ва кўмагида тартибга солинишидан манфаатдор эканликларини таъкидладилар. Латвия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисо-дий тиклаш, минтақада тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Ўзбекистон ва Латвия қишлоқ хўжалиги, фан, таълим ва солиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкор-лик бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга. Икки мам-лакат вакиллари ва ишбилармон доираларининг доимий алоқалари самарасида бу соҳаларда кўп-лаб қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка катта қизиқиш билан қарайди. Латвияда Самарқанд, Бу-хоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз каби қадимий ва навқирон шаҳарларимизни келиб қўришни хоҳ-ловчилар кўп. Мамлакатимиздан Болтиқбўйидаги дам олиш масканларига борувчилар сафи ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Соҳага ишбилар-монларни жалб этиш, саёҳатчиларга янада қўлай-лик яратиш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳ-рида буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғ-бек, 2006 йилда машҳур аллома Абу Али ибн Сино ҳайкаллари ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, улуг аждодларимизга ва бой ме-росимизга юксак ҳурмат-этиромининг яққол ифо-даси бўлди.

Тошкент ва Рига биродарлашган шаҳарлар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат ака-

демик Катта театри ҳамда Латвия миллий опера-си ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки мамлакатнинг фольклор жамоалари, фото ва тасвирий санъат усталари Ўзбекистон ва Лат-вияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Латвия санъаткорлари Самар-қандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб ке-лади.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўна-лишларидандир. Латвияда 370 нафардан ортиқ ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда. Тех-ника ва муҳандислик ихтисосликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу алоқалар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лиги ҳамда Латвия Таълим ва илм-фан вазир-лиги ўртасида имзоланган Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида изчил ривожланмоқда.

Давлат раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш бораси-даги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш тараф-дори эканини таъкидладилар.

Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий да-рёларининг сув ресурсларидан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари, хусусан, Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг Трансчегара-вий очик сув оқимлари ва халқаро қўлларни му-ҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича кон-венцияси (1992 йил, Хельсинки), Халқаро очик сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясидан (1997 йил, Нью-Йорк) келиб чиқиб, минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга ол-ган ҳолда, оқилона ва адолатли фойдаланиш ло-зимлигини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари минтақанинг трансчегара-вий дарёларида йирик гидроэнергетика иншоот-ларини қуриш уларнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка таъсири бўйича мажбу-рий объектив халқаро экспертиза ўтказилгани-дан сўнггина амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги Европа Иттифоқи позициясини қўллаб-қувватладилар.

Қўсарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, Дипломатик паспорт эгаларининг ўзаро визасиз сафарлари тўғрисидаги ҳукумат-лараро битим, Қайта тикланадиган энергия ман-балари соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги меморан-дум, 2014-2016 йилларга мўлжалланган Мада-ний ҳамкорлик дастурига оид ҳужжатлар имзо-ланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда икки давлат раҳбарлари музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, эри-шилган қилишувлар Ўзбекистон — Латвия муно-сабатларини янада ривожлантириш ва икки мам-лакат халқларининг фаворонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Томон-лар қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ёндашув ва позициялари ўхшаш ва яқин эканли-гини қайд этди.

Давлат раҳбарлари бундай мулоқотларни из-чил давом эттириш, барча соҳалардаги ҳамкор-ликни янада фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Андрис Берзиньш Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доиралари ва-киллари билан бизнес-форумида иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳли-гида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ният-ларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз-нинг бош майдонига амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди. Латвия раҳбари Темурийлар тарихи давлат му-зейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томо-ша қилди.

Латвия Республикаси Президенти Андрис Бер-зиньшнинг Ўзбекистон Республикасида расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда электрон биржа савдоларини ташкил этиш қўламини кенгайтириш, соҳада эришилаётган ютуқ ва мавжуд муаммоларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда Республика товар хомашё биржаси ОАЖ Андижон филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, электрон биржа савдоларини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

● Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этди. Шаҳар прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ташкил этилган тадбирда 51 қорхона, ташкилот ва муассаса 586 бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир доирасида банк мутахассислари битирувчилар ҳамда ўз бизнесини бошлаш ниятида бўлган ёшларга имтиёзли кредитлар олиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси мамлакат кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Power Japan Plus компанияси муҳандислари Ryden лойиҳаси доирасида аккумуляторнинг янги авлодини яратишди. Аккумулятор батареялар ўлчамлари билан замонавийларидан анча фаркланади. Унинг конструкциясида органик ва карбон толарлар ишлатилди, бунда ишлаб чиқариш учун ноёб ер унсурлари талаб этилмайди, батареяларнинг ишлаш муддати чегараланмаган, уларни иккиламчи қайта ишлаш ҳам мумкин.

● Хитойда жиноий гуруҳ раҳбари бўлган миллиардер Лю Хань ва унинг укаси Лю Вей ўлим жазосига ҳукм қилинди. Улар 1993 йилдан буён амалга оширилган қатор жиноятларда айбдор деб топилди. Бундай қарорни Марказий Хитойнинг Хубей провинцияси Сяньнин шаҳри суди чиқарди. Жиноий гуруҳнинг яна 34 аъзоси турли муддатдаги қамок жазоларига ҳукм қилинди.

● Франциядаги Нурмуатъе қўлтигида «La Bonnotte» номли ўта но-зик ва мазали картошка ўсади. Фа-кат денгиз суви билан сугорила-диган картошка пишгач, қўл ёрда-мида териб олинади. Ушбу картош-канинг бир килограмми жаҳон бо-зорида 500 евро туради.

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 28 май кунги Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, авиаташув, қурилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мебелсозлик, меъморчилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, божхона, сугурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ушбу бизнес-форум мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий йўналишлардаги ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда изчил ривожлантириш тарафдори эканини, бунинг учун ҳар икки давлатда ҳам саноат-иқтисод ва ижтимоий ҳаёт эканини қайд этди.

Латвия – Ўзбекистоннинг Европа минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустахкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, солиқ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, стандартлаштириш, маданият, фан-таълим каби қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлар, қонун билан қафолатланган преференциялар ҳамда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқойишталик омиллари чет эллик бизнесменларнинг, жумладан, латвиялик ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга қизиқишини торабдор осирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон ва Латвиянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш қарийб 250 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган 21 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, транспорт ва логистика, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларга иштирокчилар. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 19 етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Латвия ишбилармонлариға мамлакатимизда иқтисодиётни муттасил ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил ишлорлар, сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш омиллари, молиявий тизимни барқарор тараққий

этириш борасидаги сайёҳ-ҳаракатлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қўлайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг нефть-газ, кончилик, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти билан танишди. Латвиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва сармоявий муҳити ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик ялли ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

– Ўзбекистон – Латвиянинг Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкорларидан, – деди Латвия Республикаси иқтисодиёт вазири Вячеслав Домбровский. – Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси мунтазам ўсиб бормоқда. Латвияда ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки мамлакат ўртасида мунтазам амалга оширилаётган авиакатнов сайёҳлик соҳасидаги истиқболли ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Латвия Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори таълим жабҳасидаги ҳамкорликни янада мустахкамлашдан манфаатдор.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкор-

лики, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ва мустахкамлаш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Анжуманда Латвиянинг қатор йирик компанияларидан юзга яқин вакил иштирок этганининг ўзиде ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. «LDZ Cargo», «Astra Logistic», «Ave Trans Group», «BAO», «HCT Automotive», «IMC Scrapers EAME», «Baltbio», «Travel Agency Spare», «Tonus Elast», «Lauma Fabrics», «A&A Logistic» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридеги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

– Компаниямиз тўқимачилик саноатида фаолият юритади, – деди «Nikol Djumop» компанияси раиси Николай Бирюков. – Ўзбекистон бозори гоёт истиқболли экани билан бизга манзур бўлмоқда. Ўзбекистонда аёллар кийим-кечаги ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган қўшма корхона ташкил этиш ниятидамыз.

Бизнес-форум доирасида таълим, енгил саноат, тўқимачилик, экспортни қўллаб-қувватлаш ва коммунал соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Шу кунги Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир қатор товарларнинг экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Меҳмонлар «General Motors Powertrain Uzbekistan» ва «Rieter Uzbekistan» корхоналари фаолияти билан танишди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИДА ТЕЗ БУЗИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САВДОСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сонли («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 17-сон, 131-модда), 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сонли Қарорларига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 1-2-сон, 4-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 январда 2185-сон билан рўйхатга олинган «Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 4-5-сон, 38-модда) мувофиқ ҳамда деҳқон бозорларини ёнги мавсумга тайёрлаш, тез бузиладиган маҳсулотларни вақтинчалик сақлаш ва сотиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, аҳолини сифатли, қафолатланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирлар самардорлигини янада ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат Бош санитария врачлари томонидан 2000 йил 22 августда тасдиқланган «Деҳқон бозорларига оид санитария қоида-тартиблари ва гигиеник нормативлар тўғрисида»ги 0098-00-сонли санитария қоида ва меъёрлари талабларига, Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 239-модда; «Халқ сўзи», 1997 йил, 214 (1731)-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунига («Халқ сўзи», 1993 йил, 192-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 335-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 августда 1610-сон билан рўйхатга олинган «Савдо шохобчалари ва бозорларда гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» Агентлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/2, 4, 255-сон қарорига асосан («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил 31-32-сон, 328-модда), Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси, Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази, Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси, «Тошбозорсавдо» уюшмаси ва уларнинг ҳудудида фаолият юритаётган объектларнинг ишчи-хизматчилари ҳамда тадбиркорларнинг белгиланган муддатларда тиббий қўриқдан ўтганлиги, маҳсули иш кийимлари билан таъминланганлиги, маҳсулотларини сақлаш ва сотиш қоидаларига риоя қилиниши, иш жойлари санитария ҳолатининг талаб даражасида бўлиши устидан назорат ўрнатилсин;

сифати қафолатланган маҳсулотларнинг аҳоли истеъмоли учун сотилишининг олдини олиш бўйича кескин чора-тадбирлар белгилансин;

чорва молларининг қалла-поси ва ички аъзоларини деҳқон бозорлари ҳудудида тозаланган ҳолда савдога чиқарилиши ташкил этилисин ва доимий назоратга олинсин.

Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расман эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.Абдумажитов зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2014 йил 28 май



Тадбиркорлик прокуратура ҳимоясида ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТИҚЛАНАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини мустахкамлашга алоҳида эътибор берилляпти. Шунингдек, тадбиркорликни тараққий эттириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қўллаб-қувватлаш чоралари қўйилиб, улар бу борада мустахкам ҳуқуқий қафолат бўлиб хизмат қўймоқда.

2014 йил давомида Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда 8 та учрашув ташкил этилиб, унда 600 га яқин тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Ушбу тадбирлар давомида 37 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳат берилган бўлса, муножаатларнинг натижалари бўйича 4 та тадбиркорлик субъектига 120 млн. сўмлик кредит, 15 нафарига эса рухсатнома олиш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришга амалий ёрдам берилди.

Мазкур йўналишда туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 4 та ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳақида протестлар келтирилиб, аниқланган қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 3 та тақдирнома киритилди. Прокор қарори ва тақдирномасига асосан 3 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, ўтказилган текширишлар давомида 8 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

2014 йилнинг 4 ойи давомида туман прокуратурасининг ишонч телефонига келиб тушган жами 3 та муножаатнинг барчаси асосли деб топилиб, қаноатлантирилди. Жумладан, туман прокуратурасининг ишонч телефонига «BAYK-INVEST» МЧЖ раҳбари П.Янабев муножаат қилиб, унда Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекциясининг 19.02.2014 йилдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорига қўра, унга тайинланган жарима жазосидан норози бўлган.

Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан туман Давлат солиқ инспекциясининг 19.02.2014 йилдаги қарорини бекор қилиш ҳусусида протест киритилиб, байриқоний қарор бекор қилинди. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардики, мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш жараёнига ўзининг ҳиссасини қўйиш, бу борада фақат қўнунга итоат этган ҳолда ҳалол ва виждонан фаолият кўрсатишни ўзининг ҳаётли принциплари айлантириш ҳар қандай давлат хизматчисининг мўқаддас бурчидир.

Баҳодир ЗОКИРОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Латвия қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ички ва ташқи ишлар, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш, божхона каби соҳаларга оид вазирлик ҳамда идоралари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, қўшма комиссия ҳамраиси Р.Маматов Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда халқаро терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида зарур меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган, ташкилий инфратузилма яратилган. Бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустахкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2002 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида имзоланган Уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорликка оид битим ана шу мақсадга хизмат қилимоқда.

– Ўзбекистон ҳар томонлама истиқболли мамлакат, – деди Латвия Республикаси ички ишлар вазирлигининг парламент котиби, қўшма комиссия ҳамраиси Эвика Силиня. – Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларимиз барча соҳалар қатори уюшган жиноятчиликнинг турли қўринишлариға қарши курашиш борасида ҳам изчил ривожланимоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қатор соҳаларда мунтазам равишда фикр ва тажриба алмашиш ниятидамыз.

Мажлисида уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши, одам савдоси каби таҳдид ва хатарларға қарши биргаликда курашиш, ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Латвия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида учрашув ўтказди. Унда ҳуқуқ-тартибот, хусусан, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликка оид долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурдаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбирлари

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жағфармасининг ўқув марказини 2013-2014 ўқув йилида муваффақиятли тамомлаган ўғил-қизларға сертификатлар топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларга муқаммал бериш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизға ҳурмат руҳида вояга етказиш, қалби ва онгида фаол фуқаролик позицияси, мамлакат тақдирини учун дахлдорлик туйғусини мустахкам қарор топтириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Бу йўналишдаги масъулиятли вазифаларни амалга оширишда вазирлик ва идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол ҳисса қўшаётир. «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиги болалар жағфармасининг ўқув маркази 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, унда ўқув предметлари, бадий ижодиёт, компьютер саводхонлиги, хорижий тилларни қўшимча тарзда ўрганиш бўйича тўғараклар фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу тўғаракларда Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ўз билимларини ошириш ва янада мустахкамлаш имкониятиға эга. Марказда олиб бориладиган бир машғуллот билим билан бирга болаларда ватанпарварлик, катталарға ҳурмат, ҳалоллик, инсонийлик, меҳнатсеварлик каби қасиқатларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Жорий йилда ўқув марказини 100 нафар ўқувчи тамомлади. Тўғаракларда олган билимлари ўғил-қизларнинг мамлакат миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари, билимлар беллашуви, ижодий танловларда, санъат фестивалларида муваффақиятли иштирок этишида асосий омил бўлди.

– Мен ўқув марказидаги математика ва кимё фани бўйича тўғаракларға қатнашдим, – деди ЎЗА мухбирига 21-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Комила Жабборовна. – Бу ерда олган билимларим ўзим истаган йўналишдаги касб-хўнар коллежиға ўқишға киришимға ёрдам беради. Шу билан бирга, тинч ва оқойишта ҳаётнинг қадриға етишни, барчаға самийий, ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргатди.

Тадбирда ўқув марказини муваффақиятли тамомлаган ёшларға сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Н.УСМОНОВА

ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мусобақани ўтказишдан қўзланган мақсад ёшларни спортнинг техник ва амалий турларига қатнашишга жалб этиш ва уларни янада оммалаштириш, ташкилотлар ва муассасаларни автоспортни ривожлантиришга, катинг буйича спорт клублари ва секцияларни ташкил этишга жалб қилиш, «карт» русумли автомобиллар пойғалари орқали энг кучли спортчиларни аниқлашди.

Ушбу мусобақа беш босқичдан иборат бўлиб, бу гал учинчи босқичи ўтказилди. Бу босқичда етти ёшдан юқори бўлган катингчилар қатнашди.

Мусобақада спортчилардан ташқари «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгашлари вакиллари, бошланғич

Пойтахтимизда Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидagi «М.Улугбек Ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан икки кун давомида катинг спорт тури бўйича шаҳар биринчилигининг III босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

ташкилотлар раислари ва аъзолари ҳамда тумандаги вояга етмаган ёшлар ҳам иштирок этдилар. Уларга спортнинг техник ва амалий тури бўлиши катинг буйича устоз-мураббийлар томонидан қизиқарли суҳбатлар уюштирилди.

Беллашув сўнггида ҳакамлар ҳайъати томонидан голиблар аниқланди.

Натижаларга кўра 1-ўрин Тошкент бирлашган техника мактаби, 2-ўрин «Бектемир УСТК», 3-ўрин «Ҳамза УСТК» жамоаларига насиб этди.

Ташкилотчилар томонидан уларга қимматбаҳо совғалар, дипломлар ва кўчма кубок топширилди.

Зафар НАЗАРОВ
СУРАТДА: мусобақадан лавҳа



Пойтахтимизда таэквондо (WTF) бўйича XXI ва таэквондо «Пумсе» бўйича III Осиё чемпионатлари якунланди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Осиё таэквондо иттифоқи, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда қўшамизнинг ўттиздан зиёд мамлакатидан 400 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди.

Таэквондо (WTF) бўйича XXI Осиё чемпионати бахсларида спортчилар совринли ўринлар билан бирга 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун бахшланди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида 28 май кунини таэквондо бўйича XXI ва таэквондо «Пумсе» бўйича III Осиё чемпионатларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда спортни, жумладан, Олимпия ўйинлари дастурига киритилган таэквондонинг ривожлантириш, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-этиборини юксалтиришга қаратилган эътибор ўз самараларини бераётгани таъкидланди.

Тўрт кун давомида спорт мухлислари таэквондочилар ижросидаги аjoyиб кўргазмаларни кўришди, кескин ва мurosасиз беллашувлар гувоҳи бўлди.

Таэквондо «Пумсе» бўйича ўтказилган III Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини 16 нафар спортчимиз ҳимоя қилди. «Пумсе» — таэквондонинг WTF йўналишидаги комплекс машқлардир. У спортчининг ўз танасини чиниқтириши, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларини такомиллаштириши, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини мунтазам оширишга хизмат қиладиган муҳим восита.

Мазкур мусобақада муносиб иштирок этган ҳамюртларимиз фахрийлар, ўсмирлар ва катталар ўртасидаги бахсларда иккита олтин ва еттигита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Таэквондо (WTF) бўйича XXI Осиё чемпионатида иштирок этган Жасур Бойқўзиёев ва Дмитрий Шокин ўз вази тоифасида барча рақибини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ҳамюртларимиздан Никита Рафалович ва Максим Рафалович бронза медални қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда қатнашган иқтидорли спортчимиз Умида Абдуллаева 73 килограммгача бўлган таэквондочилар баҳсида олтин медални қўлга киритди. Яна бир тажрибали спортчимиз Наталья Маматова ўз вази тоифасида бронза медал билан тақдирланди.

Хар бир спортчи ўз Ватанида ўтадиган нуфузли мусобақада шохсупага қўтарилишни орзу қилади, — дейди ЎЗА муҳбирига таэквондо (WTF) бўйича Осиё чемпиони Умида Абдуллаева. — Халқаро спорт майдонларидаги галабаларимиз, энг аввало, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида биз, ёшларга барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам ўз қобилиятимиз, истеъдодимиз ва салоҳиятимизни намойён этишимиз учун яратилган имкониятлар самарасидир.

Таэквондо (WTF) бўйича XXI Осиё чемпионатида учтадан олтин ва бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли уқлидан жой олди.

Байрам АЙТМУРОВО

«Баркамол авлод — 2014»

МАШЪАЛА НАМАНГАНГА ЙЎЛ ОЛДИ

Мамлакатимизда мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиб келинадиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари машъалаларини Паркентдаги «Физика — Қўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтига қўёш нурларидан аланга олдириш аниқлана айланган.

28 май кунини мазкур институтда мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг Наманган шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари машъаласини қўёш нурларидан ўт олдириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар, спортчи ва санъаткорлар иштирок этди.

«Давлатимиз мадҳияси янграйди. Қўёш нурларидан аланга олган «Баркамол авлод — 2014» машъаласини футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатлари иштирокчиси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Аббосбек Махситалиев, стол тенниси бўйича жаҳон чемпионати совриндори, халқаро турнирлар голиби Нодира Бурхонхўжаева майдонга олиб киради. Машъалани улардан олган бокс бўйича Осиё чемпиони, Паркент транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шахзод Аширбоев Наманган вилояти сари йўлга тушди.

«Баркамол авлод — 2014» машъаласи олиб ўтиладиган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида ўтган ана шундай тадбирларда Президентимиз Ислам Каримов томонидан асос солинган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Юксак савияда ташкил этиладиган «Кичик олимпиада»га катта тайёргарлик кўрдик, — дейди Олмалик тиббиёт коллежи ўқувчиси, теннисчи Муниса Тошпўлатова. — Асосий мақсадимиз ушбу йirik спорт анжуманида муваффақиятли иштирок этишдир. Шунингдек, мусобақалар давомида тажриба ошириш, дўстлар орттириш, Наманганнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имконига эга бўлаётганимиздан хурсандимиз.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли юртдошлар!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сизларга қуйидаги юқори даромадли омонатларни қулай шартлар асосида таклиф этади:

Омонат турлари	Сақланиш муддати	Омонатлар миқдори	Изоҳ
Миллий валютада:			
«Тежамкор»	3 ой	минимал миқдори 100 000 сўм	Омонат бўйича ҳисобланган фойзлар хар ойда тўлаб борилади
«Мадад-2»	4 ой	чекланмаган	Сақлаш муддати тугаганидан сўнг, омонатга бонус сифатида қўшимча фойзлар ҳисобланади
«Ишончли даромад»	6 ой	минимал миқдори 1 000 000 сўм	Омонат бўйича 2 ойлик фойзлар олдиндан ҳисобланиб, омонатчининг пластик картчасига ёки унинг аризасига кўра юридик ёки жисмоний шахсларнинг ҳисобрақамларига ўтказилиши мумкин
«Коммунал тўловлар учун»	1 йил	чекланмаган	Омонатга ҳисобланган фойзлар нақд пулсиз шаклда коммунал тўловларига ўтказилади
«Болалар мақсадли омонати»	10 йил	чекланмаган	Омонатдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан 1% кам миқдорда бўлган имтиёзли таълим кредитини расмийлаштиришда фойдаланиш мумкин
Хорижий валютада:			
«Манfaat-2»	7 ой	чекланмаган	Фойзлар омонат муддати тугаганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни курси бўйича миллий валютада берилади
«Ойла капитал»	12 ой	минимал миқдори 300 АҚШ доллари	Фойзлар хар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни курси бўйича миллий валютада берилади

Банк ўз мижозларининг омонатларини фойдадорлик билан бирга қўшимча қайтарим билан беришнинг кафолатига эга.
«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБдан сизларга қуйидаги юқори даромадли омонатларни қулай шартлар асосида таклиф этади.
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (371) 140-66-32, 140-66-33.

Хизматлар лицензияланган

31 май — Бутунжаҳон чекишга қарши кураш кунини

КАШАНДАЛИКДАН ҚУТУЛИШ — ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарардир. Замонавий тиббиёт тадқиқотлари натижаларига суянган ҳолда шуни аниқ айтишимиз мумкинки, тамаки таркибида йигирмадан ортиқ заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, улар ичида энг зарарлиси никотиндир.

Инсон тамаки чекканда никотин тутун орқали ўпкага, кейин эса қонга сўрилиб, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатади. Қон томирлари торайиб, босим ошади. Юрак уриши тезлашади. Бу ҳолат юрак мускулларининг ишдан чиқишига сабаб бўлади. Бу ҳол тез-тез такрорланаверган, бориб-бориб юрак инфаркти, стенокардия каби касалликлар бошланиши мумкин. Маълумотларга қараганда, чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан ўн икки марта кўпроқ юрак-қон томир хасталиклари учрайди.

Тамаки бош мия ҳужайраларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Чекувчида уйқусизлик, бош оғриғи бошланади. Оқибатда эса марказий асаб тизими фаолияти бузилади. Кўп чеккадиган киши тез юрса, жисмоний меҳнат қилса, хансирайдиган бўлиб қолади. Айрим ҳолларда кўп тамаки истеъмол қилиш чекувчини руҳий хасталикларга дучор қилиши мумкин.

Тамаки чекиш нафас олиш тизимига ҳам зарарли таъсир қилади. Тамаки тутун таркибидаги заҳарли сақич моддалари турли хил ўпка хасталиклари — бронхит, сил, ҳаттоки саратон (рак) касалликларида олиб келиши кузатилади.

Тамаки ҳазм органларига таъсир қилиши натижасида кишида иштаха йўқолади, оғизда бемаза таъм пайдо бўлади, сўлак безлари фаолияти бузилади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворларини зарарлайди. Жигадон қайнайди. Меъда керагидан ортиқ шира ишлаб чиқаради. Бу эса меъда, ўн икки бармоқли ичак яраси каби касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тамаки чекувчи томонидан ташқарига чиқарилган тутун таркибида заҳарли моддалар концентрацияси кўп бўлади. Бундай ҳолатда чекмайдиган одамлар ҳам мажбурий равишда чекишга ўрганиб қолишлари мумкин.

Тамаки чекишни ташлаш мумкин. Бунинг учун кишида ирода бўлмоғи лозим. Тўғри, чекишни ташлаган киши дастлабки кунларда анча қийналади, йўтал тутиши, ҳолсизланиши, кайфияти ёмонлашиши мумкин, ammo бу ҳолат тез кунда ўтиб кетади. Ўз саломатлигини ўйлаган кишининг тамаки чекишни ташлаб, соғлом турмуш тарзига ошно бўлгани маъқул.

Азизбек НИЗАМОВ,
Саломатлик ва тиббиёт статистика институти Тошкент шаҳар филиали бўлим бошлиғи

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари хар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 30 май кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир, жала ёғи эҳтимоли бор. Ҳарбатдан секундида 5-10 метр тезликда, кундан ҳолда секундида 12-17 метр тезлик-

да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшомини

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 556

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12091 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонаси. Корхона
Манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.10